Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 121 (20. 688) • 1990 йил 29 май, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг иккинчи сессияси 1990 йил 18 июнда чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси **М. ИБРОҲИМОВ.**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш кўзда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон ССРда Мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
2. Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
3. Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети тўғрисида.
4. «Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида.
5. Республикадаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ҳамда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида.
6. Ўзбекистон ССРда аёлларнинг аҳволини яхшилаш, оналикни муҳофаза қилиш ва оилани мустаҳкамлаш чоралари ҳақида.
7. Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессиясининг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари ҳақида»ги қарори қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборот.
8. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таркибидаги ўзгаришлар ҳақида.
9. Ўзбекистон ССР баъзи Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
10. Савдода суиистеъмол ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1990 йил 28 май куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XX пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига тайёргарлик ва уни ўтказиш масалалари тўғрисида ахборот берди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатларидан бўлажак съезднинг асосий ҳужжатларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Компартиясининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига таклифларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи комиссия тузди.

Кун тартибидаги барча масалаларни муҳокама қилиш юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси Т. А. Ешимбетова, Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев, Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров, Ўзбекистон ССР прокурори Д. А. Усатов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов, Қашқадарё вилоятининг Китоб районидаги Навоий номли совхоз директори К. Ашуров, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси В. И. Таранторова, Ўзбекистон ССР Олий Совети транспорт ва алоқа доимий комиссиясининг раиси Ғ. З. Заҳриддинов, Самарқанд вилоятининг Нурота районидаги «Қизилча» совхози директори М. Нурбоев, Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи секретари Р. Худойберганова, Фарғона вилоят ижроия комитети ижтимоий таъминот бўлимининг мудири У. Бегматов, Жиззах вилоятидаги Пахтакор район партия комитетининг биринчи секретари Б. Тожиев, Тошкент давлат дорилфунуни кафедра мудири Л. Қаюмов, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ҳайъатининг раиси Б. Қориева, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Абдувосиқов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси қилиб сайланди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шу билан ўз ишини тугаллади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» СЪЕЗДОЛДИ АНКЕТАСИ

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иш бошлашига саноқли кунлар қолди. Жумҳуриятдаги барча коммунистлар, партиясиз меҳнат аҳли ана шу кунни сабрсизлик билан кутмоқдалар. Съездда муҳокама этиладиган масалалар, партия ҳаётида рўй бердиган ўзгаришлар уларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Газета редакциясида ана шундай воқеалар олдидан умумхалқ фикрини билиш анъана бўлиб қолган. «Совет Ўзбекистони» газетаси ана шундан келиб чиқиб, янги рубрика очмоқда ва анкета саволлари билан бутун республика меҳнат аҳлига, коммунистларига мурожаат қилмоқда. Сиздан қуйидаги саволларга жавоб ёзиб юборишингизни илтимос қиламиз.

1. СИЗ СЪЕЗДДАН НИМА КУТЯПСИЗ?
2. СЪЕЗДГА ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАРИНГИЗ БОР?
3. ПАРТИЯ ИШИНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ҲАҚИДАГИ ФИКРИНГИЗ?

Қуйида ана шу саволларга олинган дастлабки жавобни эътиборингизга ҳавола қиламиз.



А. НАЗАРОВ,
Хива районидаги Партия XXII съезди номли колхоз цех партия ташкилоти котиби, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

— Съезд жумҳурият коммунистлари ҳаётида жуда ҳам муҳим, таъбир жоиз бўлса кескин бурилиш ясайдиган воқеа бўлади. Бутун республика ундан жумҳурият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ташвишли ҳолат юзага келган ҳозирги энг мураккаб вазиятда ҳамиша бўлгани сингари сиёсий раҳбарликни мустаҳкамлашни ва барча соҳаларда кескин ўзгаришлар ясашни, иқтисодий кризисдан чиқишнинг аниқ йўл-йўриқларини ишлаб чиқиб, унинг изчиллик билан амалга оширилишини кутяпти.

Вилоятимизда бўлиб ўтган партия конференцияларида ҳам, партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам коммунистлар ана шу ҳақда ўзларининг аниқ таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар. Қайта қуриш йилларида юз берган ўзгаришларни, дуч келинаётган ўткир муаммоларни ҳисобга олиб, сиёсий раҳбарликни кучайтириш, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида қатъий интизомни жорий қилиш зарурлиги сўзга чиққан ҳар бир коммунистнинг нутқида алоҳида таъкидлаб кўрсатилди.

Мен цех партия ташкилоти котибиман. Ана шу сабабли партия юқори органлари қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлаш учун кишиларни сафарбар этишда қуйи бўғинлар ҳал қилувчи роль ўйнашини яхши биламан. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида қайд этилган бошланғич ташкилотларнинг мустақиллигини, унинг таъсирчанлиги ва жанговарлигини ошириш ҳақидаги қоидаларни тўла қўллаб-қувватлайман. Бироқ, сирасини айтганда, ана шу қоида амалга ошиши учун ҳали жуда кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Чунки жумҳуриятимизда, қолаверса, вилоятимизда бошланғич ташкилотлар билан ишлашда, унинг КПСС Устави бўйича белгиланган вазифаларини бажаришда жиддий нуқсонлар кўп. Бу камчиликлар демократия ва ошкоралик амал қила бошланганидан кейин янада яққолроқ кўзга ташланиб қолди. Шунинг учун ҳам, партия ташкилотларида ўтган ҳар бир йиғилишда комунистлар билдираётган таклиф ва мулоҳазалар, талабларнинг аксарияти қисми шу ташкилот иш усули ва усубларини тубдан ўзгартириш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришдан, энг муҳими, партия сўзи таъсирини кучайтиришдан иборат бўлмоқда. Мана шуларни амалга оширмай туриб, халқ наздида партиянинг обрўсини тиклаб бўлмайди, деган қатъий фикрлар айтилмоқда. Ишончим комилки, бундай ҳаққоний фикр-мулоҳазалар жумҳуриятнинг бошқа партия ташкилотларида ҳам узил-кесил ўртага қўйиляпти. Аммо улар Хоразм вилояти худудида айниқса долзарб масала бўлиб турибди.

Шу кунларда иқтисодий инқироз даври деган сўзлар тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Инқирознинг таъсири кўпроқ қишлоқ ҳаётида яққол намоён бўляпти. Қимматчилик, истеъмол моллари қаҳатчилиги, ишсизлик деҳқонлар турмушини ниҳоятда оғирлаштириб юборди. Ҳозир қишлоғимизда истиқомат қилаётган меҳнатга лаёқатли кишилардан 1100 нафаригина иш билан таъминланган. Қолганларнинг аксарият қисми бекорчи, фақат томорқа ва мол-ҳол билан тирикчилик қилишга мажбур. Колхозда иш бўлмагани сабабли кўп кишилар узоқ-яқин шаҳарларга қатнаб бир нави оила тебратишга мажбур бўлмоқдалар. Хива гилам комбинати, пахта заводига қатнаб ишлаётганларнинг асосий қисми эркаклардир. Қишлоқда ишсизларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этади. Ўрта мактабни битириб, ҳаётга йўлланма олган ёш йигит ва қизлар ҳам ўзларига муносиб иш тополмай, бошқа жойларга иш қидириб кетишга мажбур бўлмоқдалар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти мавжуд аҳволни бироз бўлса ҳам юмшатиш мақсадида бир қатор тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширяпти. Ҳар бир хонадонга экин майдонларидан 23 сотих ҳажмда томорқа ери берилди. Қолган 1100 гектар майдон эса 1100 кишига ижарага берилди. Лекин булар ҳам аҳолининг маиший турмуш даражасини яхшилаш учун етарли эмас, албатта. Чунки ҳар гектар ердан олинаётган даромад 2200-2500 сўмни ташкил этяпти, холос. Аҳоли зич жойлашгани сабабли томорқа учун берилган ернинг асосий қисмида иморатлар қурилмоқда. Экин экиш учун эса майдонлар жуда ҳам оз қоляпти.

Хўш, аҳволни яхшилашнинг яна қандай иложи бор? Шу масала Хоразм вилояти партия ташкилоти конференциясида жиддий муноза рага сабаб бўлди. Коммунистларнинг ягона фикри шу бўлдики, кишиларни доимий иш билан таъминлаш учун қишлоқларда саноат корхоналарининг филиалларини қуриш, маҳаллий саноат корхоналари барпо этиш, уларда ишни иккиуч сменада олиб бориш масаласи билан жиддий шуғулланадиган пайт келди. Бу муаммоларни амалга оширишга вилоят партия ва совет органлари ожизлик қилади. Жумҳуриятнинг ҳукумати ва партия Марказий Комитети яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Энди КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ҳақида унда бошланғич ташкилотлар умуман, партия қуйи бўғинларининг меҳнат коллективларидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш зарурлиги жуда тўғри таъкидланган. Зеро, бошланғич ташкилот партиянинг асосидир. Юқори органлар ўз сўзини ана шу қуйи бўғин орқали халққа етказади, қабул қилган қарорини бошланғич ташкилот орқали амалга оширади, қолаверса, халқ билан шу ташкилот орқали мулоқотда бўлади. Аммо шу ерда тезроқ ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим бир муаммо ҳақида тўхталмоқчиман. Мен юқорида колхознинг 6-бригадасида цех партия ташкилотида котиблик қилаётганимни айтдим. Ташкилот ҳисобида 18 нафар коммунист бор. Ана шу кичик участкада ҳам муайян қийинчиликлар бор. Айтмоқчиманки, цех партия ташкилотига етакчи сайланаётганда район партия комитети ҳам, хўжалик бошланғич партия ташкилоти ҳам котибликка номзоднинг меҳнатда илғорлигини кўзда тутадилар-у, унинг сиёсий савияси, фикрлаши, дунёқараши каби энг муҳим хислатларини унутиб қўядилар. Натижада ижтимоий тушунчаси заиф бўлган коммунист котиб қилиб сайлангандан сўнг, одамларни ўз ортидан эргаштириб боролмайди, хўжалик раҳбарига батамом тобе бўлиб қолади. Бундай жойларда ишнинг орқага кетиши, партия ташкилотининг обрўсизланиши сабаблари энг аввало ана шундан. Фикримча, партиянинг таянч нуқтаси бўлган партия ташкилотларининг обрўсини тиклаб, уларга ҳар томонлама мадад бериш партия комитетларининг кундалик фаолиятидан асосий ўрин олмоғи лозим.

Мен жумҳуриятимиз коммунистларининг съезди ўз ишини муваффақиятли ўтказишига жон-дилдан тилакдошман. Фақат истак шуки, у нутқбозлик, гапдонлик мусобақаси, бефойда ва пуч мунозаралар ва баҳслар минбари бўлиб қолмасин. Съезд делегатлари бутун жумҳурият ўзларига ишонч ва умид билан қараётганлигини, ҳар бир сўзи ва ҳатти-ҳаракатини ўта синчковлик билан кузатиб туришини сира ҳам эсдан чиқармасликлари лозим. Яна шуниси муҳимки, съездда қабул қилинадиган қарорлар қуруқ гаплигича қолиб кетмай, уни тўла амалга оширишга эришиш учун меҳнат коллективига намуна кўрсатиш ва таъсир ўтказиш энг аввало биз — съезд делегатларининг вазифамиздир. Зеро, халқ наздида партия обрўсини белгилайдиган мезон ҳам қабул қилинадиган қарорларнинг ижроси бўлади.

Республикамиз бўйлаб

• *Пилламиз—тилламиз*

Маррадан ўзганлар

⊙ Сурхондарё областининг **ҚУМҚУРҒОН** райони пиллакорлари КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Улар куни кеча йиллик пилла тайёрлаш планини бажардилар. Давлатга 120 тоннадан зиёд олий навли хом ашё сотилди. Планнинг ортиғи билан бажарилишида «Москва» колхози. А. Навоий номли, «Пахтакор», «Қумқўрғон» ва бошқа совхозлар катта ҳисса қўшишди. «Москва» колхозидан Қурбоной Чориева, Ибодат Маматқўзиева, А. Навоий номли совхоздан Зулхумор Йўлдошева, «Пахтакор» совхозидан Шакар Абдиева, Гагарин номли совхоздан Улкан Аллаева ва бошқа моҳир пиллакорлар ҳар бир қути қурт уруғидан 95—100 килограммдан «кумуш тола» етиштирдилар. Район пиллакорлари ўз имкониятларини ҳисобга олиб, ялпи ҳосилни 150 тоннага, ҳар бир қути қурт уруғидан олинадиган пиллани 60 килограммга етказишга аҳд қилишди.

Бухоро областидан ҳам хушхабар келди. **ВОБКЕНТ** райони пиллакорлари 27 май куни она-Ватан хирмонига пландаги 376 тонна ўрнига 380 тонна «кумуш тола» армуғон этиб, йиллик маррани эгаллашди. Юксак хирмонни яратишда Калинин номли, Ильич номли, «Ленинград» колхозлари меҳнатчиларининг ҳиссаси катта. Район пиллакорлари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, қабул пунктларига яна 70 тонна хом ашё топширишга аҳд қилдилар.

Шу райондаги **«ЗАРАФШОН»** колхози пиллакорлари йиллик маррани 101 фоизга уддалашди. Улар давлатга 48,8 тонна «кумуш тола» етказиб беришди. Айниқса Майрам Аҳмедова, Башорат Саниева, Латофат Бегова, Назира Атоева, Барно Турдиева сингари пиллакорлар хирмонга барака киритишди. Улар ҳар қути қурт уруғидан 100—105 килограммдан ҳосил йиғиштиришди. Хўжалик пиллакорлари планга қўшимча яна 10 тонна пилла топшириб, ялпи хирмонни 58 тоннага етказишга қарор қилдилар.

• *Мусобақа кундалиги*

БАЙРОҚДОР КОЛЛЕКТИВ

● Оҳангарондаги дон маҳсулотлари комбинати коллективи ўтган йили барча квартал топшириқларини ошириб бажариб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби бўлганди. Жорий йилда ҳам корхона жамоаси меҳнат кўтаринкилигини сусайтирмади. Натижада биринчи квартал план-топшириқлари ўз вақтида уддаланди. Хўжалик ҳисобида ишлаётган дончилар планга қўшимча 419 минг сўмлик ун маҳсулотлари етказиб беришди.

Яқинда корхонага Москвадан хушхабар келди. Унда ёзилишича, комбинат аҳли 1990 йил биринчи квартали якунларига кўра яна СССР Дон маҳсулотлари министрлиги ва тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритибди.

Мукофотдан руҳланган комбинат ишчилари иккинчи квартал меҳнат мусобақасини авж олдиришяпти.

О. ХУШНАЗАРОВ,
Тошкент области.

ҚЎШИМЧА ДАРОМАД ҲИСОБИГА

Чортоқ тикув-трикотаж фабрикаси меҳнат коллективи кенгаши ва касаба уюшмаси ташкилоти қарори билан корхона ишчиларига яна бир қулайлик яратилди. Эндиликда 100 ўринга мўлжалланган фабрика ошхонасида иккинчи сменада ишлаётган тикувчилар кечки пайтда бепул овқатланадиган бўлишди. Овқатланиш учун кетадиган маблағни коллективнинг ижтимоий-маданий, маиший аҳволини ривожлантириш фондидан олишга қарор қилинди.

Очиғи, бу нарса корхона ишчи ва инженер-техник ходимларининг ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробар ошириши ҳисобига амалга ошяпти. Масалан, ўтган йили товар маҳсулот тайёрлаш 14,7 фоиз кўпайди. Ишлаб чиқариш ҳажми 4 фоиз ўсди. Шунга яраша фойда ҳам салмоқли бўлди. Йил бошидан буён олинган даромад 241 минг сўмни ташкил этди. Шу туфайли фабрикада кейинги пайтда меҳнаткашларнинг ижтимоий шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор берила бошланди.

К. БОЙЧИБОЕВ,
Наманган области.

МЕҲНАТ БЕЛЛАШУВИ

● Андижондаги 2511-автоколоннанинг Обиджон Хўжамбердиев бошчилик қилаётган 4-автогруппаси коллективи шаҳар аҳолисига намунали транспорт хизмати кўрсатиш бўйича ўтказилган ойлик мусобақада ғолиб чиқди.

Автогруппанинг И. Мадраҳимов, А. Ҳамроев бошлиқ маршрут бригадалари аъзолари мусобақада фаол иштирок этишди. Улар зиммаларидаги топшириқларни 100-105 фоизга етказиб уддалашди.

— Ижара пудрати асосида ишлаётганлигимиз қўл келди, дейди О. Хўжамбердиев. — Шу туфайли ўтган даврда пландаги 414 ўрнига 419 минг сўмлик иш бажардик. Асосий эътиборни йўловчиларни ўз вақтида белгиланган манзилларига етказиб қўйишга қаратдик.

Айни кунларда автоколонна ҳайдовчилари Ўзбекистон Компартияси XXII съездини муносиб кутиб олиш учун меҳнат беллашувини давом эттирмоқдалар.

Ш. КЕЛДИЕВ,

УЙДА БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

Зебунисо опанинг номи Снёб районда тез-тез тилга олинаётир. Бу бежиз эмас, у ташаббус билан чиқди. Ўз уйида болалар боғчасини очди. Уч ёшдан олти ёшгача бўлган фарзандлар боғчага қатнашмоқда.

Хонадон соҳибаси З. Нажмиддинованинг ўзи ҳам аслида тарбиячи. Мактабгача тарбия муассасаларида иш бошлаганлигига чорак асрдан ошиб кетди. У олти фарзанднинг онаси.

67-болалар боғчасининг хонадонида очилган бўлимида эркатойларнинг тарбияланишлари учун ҳамма нарса муҳайё. Болалар врачи ҳар куни тарбияланувчиларни назоратдан ўтказади.

Самарқандда учта ана шундай болалар боғчаси ишлаб турибди. Оилавий болалар боғчаларини ташкил этишга эътибор кучайтирилмоқда.

Бу суратни ЎзТАГ суратчи мухбири Р. Ғафуров олган. Унда З. Нажмиддинова етакчилигидаги болалар боғчасининг тарбияланувчилари суратга тушишган.

ГАЗЕТАМИЗДА:

— 1-БЕТ:

● Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан: делегат А. Назаров ўйлари. Унинг фикрича, бу анжуманда қайта қуриш жабҳасида жумҳуриятимиз олдида турган ўткир вазифалар муҳокама қилинади, сўз ва иш бирлигини таъминлаш йўлидаги режалар белгилаб олинади.

● Меҳнаткашларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш — диққат марказида.

— 2-БЕТ:

● Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига, партияни янги, соғлом кучлар билан тўлдиришга, мафкуравий ишни изчил олиб боришга алоҳида эътибор берайлик! Вилоят ҳисобот-сайлов анжуманларида шу масалалар қизғин муҳокама қилинди.

— 3-БЕТ:

● Жумҳуриятимиздаги ўткир муаммолардан бири — ишсизлик тўғрисида ким қандай ёзмоқда? «Қайсиси афсона-ю қайсиси ҳақиқий аҳвол?» мақоласида Ўзбекистон ССР халқ депутатининг мулоҳазалари билан танишасиз.

— 4-БЕТ:

● Чин инсон, халқпарвар ёзувчининг мушоҳадалари

● Бўлажак ҳунар эгаларининг кўриги Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги виставкасида ўтказилди.

Область партия конференцияларида

ТЎҒРИ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИЛДИ...

• Андижон

● Андижонда фожиа рўй берди. Куппа-кундуз куни жамоат биноларига, магазинларга, кичик-кичик дўконларга, энг яхши уйларга ўт қўйилди, ўғирликлар содир бўлди. Безорилларга, талончиларга ҳеч ким қаршилик кўрсатмади. Нега шундай бўлди? Бунинг туб сабаби нимада? Вилоят партия конференциясида ҳисобот даврида қайта қуриш ва янгиланиш борасида амалга оширилган дастлабки ишлар якунини таҳлил қилиш билан бирга, ана шу саволларга ҳам жавоб изланди. Делегатлар бу мудҳиш воқеани вилоятда мафкуравий ишлар издан чиққанлиги, энг муҳим вазифалардан бири — тарбиявий ишларга эътибор камлиги оқибатидир, деб баҳоладилар.

Вилоят партия комитети биринчи котиби Қ. Холмирзаев ҳам ҳисобот маърузасида Андижон шаҳрида юзага келган ташвишли аҳволга кенг тўхталди.

Бу тартибсизликлар тасодифий ҳол эмас. Вилоятдаги, айниқса, Андижон шаҳридаги вазият май воқеаларидан анча олдин кескинлаша бошлаганди. Футбол ўйинининг ўтказилмай қолиши эса шунчаки бир баҳона бўлди. Ундан жиноий гуруҳларнинг раҳбарлари ўз ниятларини амалга ошириш мақсадида усталик билан фойдаландилар.

Мудҳиш воқеа эса вазиятни назорат қилолмаган ички ишлар органлари раҳбарларининг фаолиятсизлиги ва гангиб қолганлиги оқибатида кучайиб кетди. Конференцияда партия, совет ва ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарларининг бепарволиги тан олинди. Меҳнаткашларнинг турмуш шароити бир текис эмаслиги, энг долзарб масалалар ўз вақтида ҳал этилмаётганлиги, турмушдаги етишмовчиликлар, кишиларнинг арз-додига қулоқ солмасликлар, адолатсизликлар, айирмачиликлар, камёб моллар тақсимотида йўл қўйилаётган қаллобликлар ва бошқа иллатлар халқ орасида норозиликлар туғилишига сабаб бўлди.

Вазиятни соғломлаштириш учун қатор ташкилий-сиёсий тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссияси Андижон воқеасини чуқур ўрганди, комиссия хулосаси обкомнинг бюро мажлисида муҳокама қилинди. Аҳоли хавфсизлигини таъминлай олмаган раҳбар ходимлар қаттиқ жазоланди.

Конференцияда хўжаликка партиявий раҳбарликнинг аҳволи чуқур таҳлил қилинди. Докладчи ва музокарада қатнашган делегатларнинг сўзларида вилоятда машинасозлик комплекси ва енгил саноат тез суръатлар билан ривожлангани, аҳолининг турмуш шароити ва озиқ-овқат билан таъминланиши бирмунча яхшилангани, пахта билан банд бўлган майдонлар 17 минг гектарга қисқартирилгани, бу ерларга бошқа экинлар экилгани, маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлаш тармоқлари моддий-техника базасининг мустаҳкамланганлиги аҳоли жон бошига гўшт, сут, сабзавот, картошка ва ҳўл мева етиштиришни кўпайтириш имконини бергани мамнуният билан қайд этилди. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш вилоят партия ташкилоти учун асосий масала бўлиб қолди.

Шунга қарамай вилоятда иқтисодий омиллар суст ишга солиняпти. Партия ташкилотлари, ижроия комитетларнинг бўлим ва бошқармалари, хўжалик органлари маъмурий буйруқбозлик «касали»дан қутилганлари йўқ.

Ҳисобот бошқармасининг маълумотига қараганда вилоятдаги 500 минг аҳоли ҳануз турмуш кечиришнинг энг паст даражасидан ҳам оз даромад оляпти. Колхозчилар оиласининг 60 фоизида, ишчи ва хизматчилар оиласининг 40 фоизида олинаётган даромад жон бошига 50 сўмдан ошмайди. Биргина Андижон шаҳрининг ўзида 9 мингга яқин она ўз фарзандларини боғча ва яслига жойлаштириш учун навбатда турибди.

Кейинги икки йил ичида 24 минг киши қўшимча равишда ишга жойлаштирилди. Шунга қарамасдан вилоятда ишсизлар сони 50 мингдан ортиқ. Уларнинг 80 фоиздан кўпроғи ёшлардир.

Сўнгги йилларда агросаноат комплексини қайта қуришда жиддий хатоларга йўл қўйилди. Жойларда зарарни тугатиш кетидан қувиб, бақувват хўжаликларни рентабеллик даражаси паст хўжаликларга бирлаштириш урф бўлиб кетди. Бу усул ҳаётда ўзини оқламади. Москва районида 13 та хўжалик майдалаштирилиб 20 тага етказилди.

Конференция делегатлари ўз чиқишларида кўпроқ бошланғич ташкилотлар фаолиятига, уларга изчил раҳбарликни кучайтириш ҳақида тўхталдилар. Партия комитетларининг қуйи бўғинлар билан яқиндан ишламаётганликларини танқид қилдилар.

Партия ташкилотларини янги ва соғлом кучлар билан тўлдириш уларни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир. Шунинг учун ҳам партияга ишлаб чиқаришда, ижтимоий ҳаётда ўзини кўрсата олмаганларнинг қабул қилиниши ҳоллари жиддий ташвиш туғдираяпти. Бу, айниқса, Комсомолобод, Қўрғонтепа, Москва районларидаги баъзи бошланғич партия ташкилотларига тааллуқлидир.

Конференцияда чайқовчиликка қарши кураш олиб борилмаётгани, бу ишга савдо ходимлари, маъмурий органлар шериклиги ҳақида жиддий гаплар бўлди. Шунинг учун вилоятда чайқовчилик оммавий тус олди, ўтган йили 1000 дан ортиқ чайқовчи ушланди, уларнинг 42 нафари савдо ходимидир. 34 та порахўрлик фактлари аниқланди. Лекин шундан фақат 8 тасигина судга етиб борди.

Вилоятда маҳкамачилик таниш-билишчилик, қарин-дош-уруғчилик белгиларига, ўртоқлик алоқаларига қараб кадр танлаш таг-томири билан тугатилган эмас. Вилоят партия ташкилоти номзоди муҳокамага қўйилса ўтмаслиги аниқ бўлган баъзи кадрларни яширинча тасдиқдан ўтказиш йўлини тутяпти.

— Кадр танлашда кўпинча уларнинг ишчанлик фазилатлари, ҳалоллиги асосий мезон қилиб олинмайди, — деб таъкидлади ўз нутқида Жалолқудуқ районидаги Димитров номли колхоз партия комитетининг котиби Б. Низомиддинов. — Бир қатор тажрибали раҳбар кадрлар турли баҳоналар билан ишдан четлатилди. Бир қатор лавозимларга нолойиқ кадрлар қўйилди. Кейинги икки йилда эса обком тавсия қилган кадрларнинг жойларда қўллаб-қувватланмаслиги одат тусига кириб қолди.

Бу айниқса СССР халқ депутатлигига сайловлар даврида яққол созилди. Бутун обком аппарати, айниқса идеология ходимлари мафкуравий ишларни тўхтатиб қўйиб, обкомнинг собиқ биринчи котиби М. Орифжоновни СССР халқ депутатлигига сайлаш учун курашдилар. Лекин М. Орифжонов сайловда етарли овоз ололмади. Унинг атрофидаги лаганбардорлар номзод обрўсини сақлаб қолиш мақсадида қайта сайлов даврида катта-катта ваъдалар бердилар. Кимларнингдир ҳисобидан моддий-техника воситалари М. Орифжоновнинг номзоди кўрсатилган округга буриб юборилди.

Конференцияда сўзга чиққан Москва район партия комитетининг биринчи котиби З. Усмонов айирмачилик, маҳаллийчилик партия ва совет ташкилотларини обрўсизлантириб қўяётгани, «Гидромаш» заводининг токари М. Царев бошланғич партия ташкилотларида қарор ижросини назорат қилиш унутиб қўйилаётгани, заводда малакали ишчилар, инженер-техник ходимлар етишмаётгани ҳақида гапирдилар. Бўз районидаги Тельман номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи О. Турғунова район хўжаликлари давлатдан 44 миллион сўм қарздор эканлиги, қўшиб ёзишдан пайдо бўлган бу қарзлар суднинг қарори билан ундириб олинаётганини таъкидлади.

— «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон қилинган «Андижонликлар армони» сарлавҳали мақола кўп жойларда кўриб чиқилди ва маъқулланди. Унда армонларимиз ёзилганди, — дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси Ж. Каттахўжаев. — Ҳисобот даврида обком бюроси нисбатан анча иш қилди. Лекин бу ишдан кўпчилик қониқмади. М. Орифжонов кадрларни оёқ-ости қилди, менсимади. Тельман Холиқов ёш, ҳаракатчан, талабчан кадр. У Қўрғонтепа районидаги Куйбишев номли совхозда директор эди. Обком бюроси уни ҳайдади. Уч ойдан кейин эса депутатлар Т. Холиқовни район ижрокомига раисликка сайладилар.

Исоқжон Олимов обкомда ишлаган, партиявий ишни яхши биларди. У Марҳамат район партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган вақтида гап қайтариб қўйгани учун қувғинга учради. Тажрибали партия ходими Ҳамид Қодиров вилоят ижрокоми раисининг муовинлигидан савдо ташкилотига ўтказилди. У ҳали кўп иш қилиши мумкин эди.

«Совет Ўзбекистони» чиқишидан кейин обкомнинг 5 та котибидан 3 нафари, вилоят ижрокоми раиси ва вилоят савдо бошқармаси раҳбарияти янгиланди. Конференцияда обком бюросининг М. Орифжонов ишлаган давридаги фаолияти қониқарсиз, деб топилсин, деган таклиф ўртага ташланди.

Вилоят ижроия комитетининг янги сайланган раиси Б. Болтабоев конференция минбаридан шундай деди: «Кейинги тўрт йилда белгиланган режалар тўла амалга ошмади. Вилоятда меҳнат унумдорлиги камайиб кетди. Амалий иш ўрнига мажлисбозлик, қишлоқ хўжалигидаги ҳар хил самарасиз тажриба ўтказишлар деҳқонларнинг кўнглини ишдан совитиб қўйди. Нега шу ҳолга тушдик? Обкомда собиқ биринчи котибнинг айтгани айтган бўлди. Бюро аъзолари унинг оғзига қараб ўтиришди. Кадр танлашда шошмашошарликка, эътиборсизликка йўл қўйилди...»

Конференцияда сўзга чиққан нотиқлардан уруш ва меҳнат ветеранлари вилоят кенгашининг раиси Т. Каримова, Андижон, Ленинск шаҳарлари, Комсомолобод район партия комитетларининг биринчи котиблари О. Отабоев, Ш. Юсупов, А. Мўминов, вилоят комсомол комитетининг биринчи котиби А. Обидқориев, Олтинкўл районидаги Навоий номли колхоз маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи Ҳ. Машарипов ва бошқа делегатлар Андижоннинг аввалги шон-шуҳратини тиклаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Делегатлар обкомнинг ҳисоботи билан биргаликда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари масалаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов нутқ сўзлади.

Конференция обкомнинг янги таркибини, назорат тафтиш комиссияси аъзоларини, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига делегатларни сайлади.

Вилоят партия комитетининг ташкилий пленумида ёпиқ-яширин овоз бериш йўли билан Қ. Х. Холмирзаев обкомнинг биринчи котиби, И. А. Кочмарик иккинчи котиби ва бўлим мудири, М. Ю. Юсупов, А. С. Солижонов, Б. М. Олимжонов обком котиблари ва бўлим мудирлари этиб сайландилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИШЧАНЛИК, ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

• Сирдарё

● Вилоят коммунистларининг катта йиғинидан бир кун олдин обком бюроси аъзоларидан айримлари билан суҳбатлашдик. «Конференция олдидан нималар ҳақида ўйлаяпсиз?» — деган саволимизга улардан қуйидаги жавобларни олдик:

Ф. ГОЛУБЦОВА, Гулистон шаҳридаги 7-қурилиш трестининг бўёқчиси: — Менимча, конференция танқидий руҳда ўтади. Делегатлар вилоят партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолиятига принципиал ва аниқ-равшан баҳо берадилар. Долзарб иқтисодий-иқтисодий масалаларга ҳам атрофлича, чуқур муносабат билдирилиб, муаммоларни ҳал этиш йўлларига доир таклифларни кутаман.

С. УСМОНОВ, вилоят партия комитетининг иккинчи котиби: — Вилоят партия конференциясига анча олдиндан тайёргарлик кўрдик. Масалан, район ва шаҳар конференциялари делегатлари вакилларидан иборат 34 кишилик комиссия уч-тўрт марта йиғилиш ўтказиб сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзолигига, Ўзбекистон Компартиясининг XXII ва КПССнинг XXVIII съездларига қуйи бўғин — бошланғич партия ташкилотларидан бошлаб делегатликка кўрсатилган номзодларни атрофлича муҳокама қилиб, «ғалвир»дан ўтказди. Шу боис конференциянинг тартибли ва яхши ўтишини кутяпман.

С. ДАВЛАТОВА, вилоят партия комитети котибаси: — Мафкуравий ишимизнинг қай жиҳатларида камчиликлар борлиги ҳақида ўйлаяпман. Очиғи, айниқса, ёшлар ўртасида яхши иш олиб бора олмаяпмиз. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам кескин бўлиб турибди. Энг яхши миллий анъана, урф-одат ва удумларимизни тиклаш ҳақида жиддий қайғуришимиз, боғча ва мактабларга муносабатда ҳар томонлама ўзгариш ясашимиз лозим. Мафкура соҳасида вилоят партия ташкилотининг аниқ ва мукаммал Ҳаракат дастури бўлиши керак.

* * *

Аввалбошданоқ таъкидлаш керакки, вилоят коммунистларининг йиғини илгариларига нисбатан ишчанлик ва амалий танқид руҳида ўтди.

Иқтисодиётга партиявий таъсир. — Мен сизларга халқ дарди, армонларини олиб келдим. Ёш келинчакларимиз уйда ишсиз ўтиришибди, эрлари ҳам иш қидириб сарсон-саргардон, деди маъруза юзасидан музокарада сўзга чиққан Гулистон тикувчилик бирлашмасининг Ховос районидаги 3-Баландчақир филиали технологи Адолат Нишонова. — Районимизнинг юқори қисмида жон бошига даромад атиги 17 сўмга тўғри келади. Социал, маданий-маиший муаммолар узоқ йиллар мобайнида ҳал бўлмаяпти.

Дарҳақиқат, Ховос районида 4 минг, Янгийўл шаҳрида 2,5 минг, Ильич ва Боёвут районларида 2,2—2,3 минг, умуман вилоятда 18 мингдан кўпроқ ишсизлар бор. Аҳолининг ярми 75 сўмдан кам даромад олади. Меҳнатобод, Ховос, Гулистон районларида ҳозирга қадар бирорта ҳам саноат корхонаси қурилмаган.

Шунинг учун ҳам вилоят партия комитети одамларни ишга жойлаштириш муаммосини ҳал этиш учун аниқ-равшан тадбирларни таклиф этади. Булар, биринчидан, турли тармоқдаги янги корхоналарни юксалтириш; иккинчидан, ишлаб турган корхоналарда ишни икки-уч сменалик қилиб ташкил этиш; учинчидан, асосий йўл — айниқса, қишлоқ жойларида завод ва фабрикаларнинг филиалларини, тўртинчидан, кооперативларнинг кенг тармоғини ташкил этиш каби муҳим тадбирлардир.

Сўзга чиққан бир неча делегатлар жамият мураккаб даврни ўз бошидан кечираётган шундай пайтда савдо, маиший хизмат, медицина соҳаларидаги ишнинг ташкил этилишидан халқ норози бўлаётганлигини, буни эса у партиядан кўришини таъкидладилар. Масалан, ҳисобот докладида иккита яққол мисол тилга олинди. Гулистон шаҳрида бир неча йилдан бери «Ўзспортторг»га қарашли 15-дўконга мудирлик қилган М. Ҳошимов Гулистон, Ширин, Сирдарё, Янгиер шаҳар ижрокомлари билан ҳеч қандай келишмасдан туриб, бозор фонди ҳисобидан 250 та енгил автомашинани (!), шу жумладан 50 тага яқин машинани вилоят ташқарисига сотиб юборган. Ҳошимов-ку партия сафидан ўчирилган. Аммо у ҳисобда турган бошланғич партия ташкилоти, қолаверса, вилоят ижроия комитети ва савдо ташкилотининг коммунист раҳбарлари қаёққа қарашган?

Гулистон район касалхонасининг бош врачи ўринбосари Жалилов эса ўз машинаси билан бир колхозчини уриб юборган. Жабрланувчини қутқариш, унга ёрдам бериш ўрнига ҳодиса юз берган жойдан қочиб қолган. Район прокурори, КПСС аъзоси Жабборов раҳбарлигидаги прокуратура ходимлари, милиция терговчиси Жўраев ўртоқлар эса зудлик билан тергов олиб бориш ўрнига ярим йилдан буён жиноий ишни пайсалга солишмоқда.

Кадрлар сиёсати. «Кадрлар билан ишлашда ҳали катта камчилик ва нуқсонлар бор, деб таъкидланди ҳисобот маърузасида.

Баъзи партия комитетларида уларни танлаш ва лавозимга кўтаришда демократия ҳамда ошкораликдан суст фойдаланилмоқда. Бу раҳбарлик лавозимига тавсия этилган кишиларни коллектив қабул қилмаслигига олиб келмоқда». Бунга коммунист С. Иброҳимов Оқолтин районидаги Ворошилов номли совхозга директор этиб юборилганлиги ва у одамлар билан тил топиша олмай, хўжаликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ижобий силжиш қила олмаганлиги ҳақидаги биргина мисол келтирилди. Аммо одамлар орасида тушунмовчилик билан айтилган айрим гап-сўзларга сабаб бўлган кадрлар ўзгаришлари ҳақида ҳеч нарса айтилмади. Масалан, Оқолтин район партия комитетига бир ярим йил етаккилик қилган Н. Ёқубов районда жиддий ўзгариш қилишга эришолмади, кишилар қалбига йўл топа билмади. Аммо уни яна раҳбарлик ишига қўйиб, «Сирдарьяводстрой» трести бошқарувчисининг ўринбосари этиб тайинлашди.

Ильич район партия комитети котиблигига резервда турган райижроком раиси Б. Ўроловни жумҳурият Вазирлар Кенгаши ҳайъатида бўлган муҳокамада вазифасидан бўшатиш тавсия этилди. Шунга қарамай, одамлар унга ишонч билдириб, энди район Совети раислигига сайлашди. У эса ўзининг сабр-тоқатсизлигини кўрсатди. Бу вазифада ишлаш оғирлигини билгач, жуфтакни ростлаб қолди. Энди у «Сирдарьяцелинхлопок» трестининг бошқарувчиси бўлиб ишлаяпти.

Конференцияни ва унинг асосий ҳужжатларини тайёрлашга кўплаб фаоллар — вилоят партия комитетининг аъзолари ва конференция делегатлари, депутатлар, аппарат ходимлари, партия ва уруш ветеранлари жалб қилинди. Ҳисобот маърузаси лойиҳаси барча шаҳар ва район партия ташкилотларида муҳокама этилди, унинг тезислари эълон қилинди. Шу боисдан ҳам маъруза кенг қамровли бўлди. Унда муайян сиёсий таҳлил ва хулосалар, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги танг аҳволдан чиқишнинг вилоят партия комитети таклиф этаётган йўллари ўз ифодасини топди. Бироқ, маърузада ва унинг юзасидан музокарага чиққан делегатларнинг нутқларида вилоят ҳаётида айнан ҳисобот даврида юз берган айрим воқеаларга муносиб баҳо берилмай қолди.

Маълумки, 1988 йилнинг кузида Гулистон шаҳрида вазият кескинлашган, бир ҳафта-ўн кун давомида кўпминг кишилик митинглар бўлганди. Ўшанда халқ Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг қўшилишидан норозилигини, бу пухта ўйланмаган тадбир ёмон оқибатларга олиб боришини алам билан айтганди. Лекин ўшанда одамларни митингбозликда, ҳатто экстремистликда айбладилар. Қўшилиш ғоясига дадил ва ошкора, журъат билан қарши чиққан айрим раҳбарлар — вилоят комитети котибаси С. Давлатова, вилоят ижрокоми раиси ўринбосари А. Тимошенколар эса вазифаларидан пастлатилди. Бугунги кунга келиб эса мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ана шу қўшилиш оқибатида салкам 1 миллиард сўм миқдорида зарар кўрилганлиги айтилмоқда.

Аммо ўша вақтда халқнинг фикрини юқорига етказа олмаган, қўшилиш тадбирининг нотўғри эканлигини исботлаб бера олмаган, аксинча, қўшилиш ташаббускорларига айланган вилоят партия комитетининг собиқ биринчи котиби С. Клепиков, вилоят ижрокомининг собиқ раиси И. Қўчқоров (ҳозир у ижроком экология комитетининг раиси) ва бошқа коммунист раҳбарлар фаолиятига ҳисобот докладида ҳам, делегатларнинг нутқлари ва конференция қарорларида ҳам муносиб баҳо берилмади.

Яна айрим «икир-чикирлар» ҳақида. Конференцияда сўзга чиқиш учун рўйхатга ёзилган 32 делегатдан фақат 16 нафаригина минбарга кўтарила олди. Улардан атиги уч киши оддий касб эгалари эди. 34 кишидан иборат ишчи президиумидан ҳам уч-тўрт нафаргина оддий коммунистлар ўрин олишди, холос. Бошқалар турли даражадаги партия совет, хўжалик раҳбарлари эди. КПСС XXVIII съездига номзод қилиб сайланган беш нафар делегатнинг ҳам бир нафаригина оддий коммунист, бошқалари эса...

Залга қўйилган микрофонлардан эса лоақал бирор делегат савол бериш учун ҳам фойдаланмади.

Конфернцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби А. И. Икромов нутқ сўзлади. Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Б. И. Истомин қатнашди.

Дастлабки ташкилий пленумда А. А. Айдарқулов вилоят партия комитетининг биринчи котиби, С. У. Усмонов иккинчи котиб ва бўлим мудири, С. Д. Давлатова, М. П. Нарзиқулов, Ю. Йўлдошевлар котиб ва бўлим мудирлари этиб сайландилар.

О. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЎзТАГ ТУЗАТИШИ

ЎзТАГ Жиззах вилоят партия комитетининг иккинчи котиби Ю. К. Галкиндан «Совет Ўзбекистони» газетасининг 27 май сонида босилган «Партия конференцияларида» сарлавҳали хабарда унинг фамилияси нотўғри ёзилгани учун кечирим сўрайди. Бу хатога ЎзТАГнинг ўз мухбири Л. Елизаров айби билан йўл қўйилган.

Л. Елизаровга қаттиқ жазо берилди.

• Расмий ахборот

КОМИТЕТ ТУЗИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 11 декабрдаги «Халқаро Ленин тинчлик мукофоти тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қуйидаги таркибда Халқаро Ленин тинчлик мукофотлари комитети тузилди:

КОМИТЕТ РАИСИ

Патон Борис Евгеньевич — СССР халқ депутати, академик, Украина ССР Фанлар академиясининг президенти.

КОМИТЕТ АЪЗОЛАРИ

Гольданский Виталий Иосифович — СССР халқ депутати, академик Н. Н. Семёнов номли Химия физикаси институтининг директори.

Лавров Кирилл Юрьевич — СССР халқ депутати, СССР Театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси.

Ланц Эрвин — Халқаро тинчлик институтининг президенти (Австрия).

О. Э. Кэндзабуро — ёзувчи (Япония).

Ридигер Алексей Михайлович — СССР халқ депутати, Ленинград метрополити ва Новгород Алексийи.

Савицкая Светлана Евгеньева — СССР халқ депутати, синовчи-космонавт, «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош конструктор бўлими бошлиғининг ўринбосари.

Сереньи Москара Либер — сиёсат ва жамоат арбоби (Уругвай).

Сулаймонов Ўлжас Умарович — СССР халқ депутати, ёзувчи, Қозоғистон ССР Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби.

Текле Афеворке — рассом, жамоат арбоби (Эфиопия).

Штрауб Бруно — академик (Венгрия).

УСКУНАЛАР ЛИЦЕНЗИЯГА БИНОАН ВЕНГРИЯДАН КЕЛТИРИЛАДИ

СССР Министрлар Советининг давлат ташқи иқтисодий комиссияси Венгрия Республикасидан 1990 йилда машина ва ускуналарни лицензияга биноан ҳарид қилишни жорий этиш тўғрисидаги масалага доир қарор қабул қилди.

Тўлов муносабатлари ҳолатидан келиб чиқиб ва СССР Министрлар Советининг 1988 йил 2 декабридаги 1405-(5-банд) ва 1989 йил 7 мартдаги 203-(9-банд) қарорларига асосланиб, 1990 йилнинг 1 июнидан бошлаб 1990 йил охирига қадар бўлган даврда Венгрия Республикасидан машина ва ускуналарни лицензияга биноан ҳарид қилиш жорий этилди. Ҳарид мазкур қарор қабул қилинишидан аввал ва кейин имзоланган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлигига ва СССР Давлат техника назорати Бош бошқармасига СССР давлат чегарасидан мазкур қарорга мувофиқ Венгрия Республикасидан лицензияга доир сотиб олинадиган машина ва ускуналарни ўтказиш тартибини биргаликда ишлаб чиқиб, 1990 йилнинг 1 июнидан жорий этиш топширилди.

(ТАСС).



МАҲСУЛОТ КЎПАЙМОҚДА

Ҳозирги пайтда жумҳуриятимиз аҳолисининг, шу жумладан қишлоқ меҳнаткашларининг ҳам қурилиш материалларига бўлган талаби ошиб боряпти. Бунинг сабаби бор, албатта. Негаки, республика партия ва ҳукуматининг қарори билан аҳолининг кўпчилик қисмига якка тартибда уй қуриб олиши учун ер участкаси ажратиб бериляпти.

Буни ҳисобга олган Қаршидаги йирик панелли уйсозлик заводида учинчи технологик линия ҳам ишга туширилди. Шу туфайли бу ерда керамзит-бетон блоклари тайёрлаш ҳажми 2,5 бараварга ортди.

Мазкур қурилиш материалини завод янада кўплаб ишлаб чиқармоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Керамзитбетон блоклари ишлаб чиқарувчи янги цехда. 2. Қолиплаш машинаси оператори Шавкат Мамадиев.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар (ЎзТАГ).

• Уй-жой қурилиши — муҳим ижтимоий масала

ОҚСАШ

• Ташвишли сигнал

Арнасой районида йилнинг ўтган даврида 2381 квадрат метр уй-жой қурилиши лозим эди. Амалда эса 1660 квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилди, холос. Бошқача қилиб айтганда, 20 га яқин оила янги уйларга кўчиб киролмади. Вақт ўтган сари бундай онлалар ва битказилмай қолаётган объектлар сони кўпайиб бормоқда.

Райондаги қурилишларда асосан «Иржарсовхозстрой» трестининг механизациялашган кўчма колонналари фаолият кўрсатадилар. Жумладан, 19-механизациялашган кўчма колонна Ворошилов номли совхозда фойдаланишга топширилиши лозим бўлган уйларни қуриб битказмади. Трестнинг 15-механизациялашган кўчма колоннаси эса Малиновский номли совхоздаги паррандахонанинг навбатдаги 60-корпусини, ёнилғи сақланадиган махсус қурилмасини фойдаланишга топширмади. Буни қарангки, паррандачилик фабрикаси қурилишларида кунига 50—60 нафар ишчи меҳнат қилиши керак бўлгани ҳолда бу ердаги ишчилар сони 15-20 кишидан ошмаяпти.

— Қишлоқ қурилишидаги қолоқликлар учун фақат бинокорларнинг ўзларини айблаб, бўлмайди, — деди биз билан суҳбатда Арнасой район кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Ражаббой Иброҳимов. — Қурувчилар фаолиятини атрофлича ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, «Иржарсовхозстрой» трести раҳбарияти ўз бўлинмаларини вақтида қурилиш анжомлари билан таъминламаяпти. Биргина 15-механизациялашган кўчма колонна кейинги уч ойда 13 тонна металл, 20 кубдан зиёд ёғоч-тахта, 20 минг дона гишт ололмади. 19-кўчма колонна эса қурилган уйларнинг устини ёпиш, полини қоқиш имкониятини тополмаяпти.

Улуғбек номли хўжалик марказидаги 320 ўринли мактаб ўтган йили фойдаланишга топширилиши лозим эди. Аммо бу ишни бошлаган «Агропромстрой»нинг 3-трести раҳбарлари ўтган йили гишт йўқлигини рўкач қилишиб, буюртмачилардан лойиҳани ўзгартиришни, мактабни темир-бетондан қуриш мумкинлигини айтишди. Яна қанча маблаг, қанча вақт кетишини билмаймизу, аммо мактаб биноси янги ўқув йилигача битмаслиги аниқ.

Худди шу каби ҳолларни қўриқ областнинг бошқа районларида ҳам кўриш мумкин. Область, республикадаги мутасадди идоралар раҳбарлари қурилиш ташкилотларидаги тартибинтизомни, таъминотни кескин яхшиламасалар, қишлоқ қурилишида ижобий ўзгариш ясаб бўлмайди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚАЙСИСИ АФСОНА-Ю ҚАЙСИСИ ҲАҚИҚИЙ АҲВОЛ?

- ИШСИЗЛИК — «ТРУД» РЎЗНОМАСИ ТАЛҚИНИДА
- НОХОЛИС ЁНДАШУВ, ЎРИНСИЗ ШУБҲА, ДУДМАЛ ХУЛОСА
- СУБСИДИЯ НИМА? ҚОНУНИЙ УЛУШ-ЧИ?
- АККРЕДИТАЦИЯ — СУВЕРЕН ЖУМҲУРИЯТЛАР УЧУН ҚОНУНИЙ ҲОЛ

● «Труд» рўзномаси саҳифаларида (1990 йил 12 ва 13 май сонлари) махсус мухбир О. Осиповнинг «Ишсизлик: афсоналар ва ҳақиқий аҳвол» мақоласи эълон қилинди. Унда муаллиф Ўзбекистонда ишсизлик муаммоларини ҳал этиш имкониятларини шубҳа остига қўйди. Унинг фикрича, ижтимоий меҳнатда банд бўлмаган кишилар салкам 1 миллион бўлиб, ҳақиқий аҳволга тўғри келмас эмиш. Гўёки бу нарса «маҳаллий аппаратчилар» томонидан марказдан кўпроқ — кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас — пул ундириш учун ўйлаб топилган экан...

БУНДАЙ фикр-мулоҳазалар билан баҳслашиш серғалва иш. Бироқ ушбу муаммонинг бутун Ўрта Осиё минтақаси учун жуда муҳимлигини ҳисобга олиб, биз мазкур мақолани аҳолини ишга жойлаштириш ва ижтимоий ривожланиш масалаларидан хабардор ва омилкор кишилардан шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

А. Н. ДАВИДОВ, Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети иқтисодий маълумотлар тўплаш бошқармаси бошлиғи:

— Бундай қараганда, «Труд»да босилган мақолада Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг ниҳоятда долзарб муаммолари тилга олинган. Ушбу муаммолар узоқ йиллар мобайнида аввалги раҳбарларнинг бепарволиклари туфайли йиғилиб қолган. Энди эса ҳозирги раҳбариятдан мазкур муаммоларни зудлик билан ҳал этишни талаб қилмоқдалар. «Труд»даги мақола марказий матбуотда вужудга келган тенденциялар ва мавжуд ҳолатлар сабабларини очиб ташлашга қаратилган биринчи уриниш эмас. Албатта, бу афсусланарли, лекин мен муаллиф муаммони холисона ёрита олмаганлигини тан олишга мажбурман. **Биринчидан,** илгариги ҳолатларда бўлгани каби унда ҳам муаммога умумий ёндашиш бор. Баъзан эса дудмал хулосалар чиқарган. Мақола шу боис чуқур таҳлилдан йироқ. Профессионал маҳорат етишмайди. У келтирган кўплаб далил-исботлар бир-бирига зид ва бир-бири билан боғлиқ эмас. **Иккинчидан,** муаммолар моҳияти «маҳаллий аппаратчилар» истамаётганлигига», иш билан таъминлаш муаммолари тугунини ечишга майл йўқлигига бориб тақалади. Масалага бундай ёндашиш, очиғи, ҳозирги пайтда айрим журналистлар ўртасида одатга айланиб қолди. Шу билан бирга марказий матбуот ёшлар ўртасидаги худди мана шу ишсизлик (табиийки, бошқа омиллар билан биргаликда) минтақадаги маълум ижтимоий кескинликларнинг авж олишига сабаб қилганлигини аллақачон тан олган эди. Демак, ушбу муаммо ўйлаб топилган эмас ва «маҳаллий аппаратчилар» учун уларни ҳал этишни секинлаштиришдан ҳеч қандай фойда йўқ.

Менга муаллиф аҳоли ўртасидаги ишсизлик ҳолатини жўрттага мана шу жараёнлар негизини ташкил этувчи катта сабабларни ҳисобга олмай ёритган бўлиб кўринмоқда. Узоқ йиллар мобайнида бизнинг жумҳуриятимизни пахта тайёрлаш ҳажмларини ошириб боришга, хаёлий 6 миллион тонналик хирмонни кўтаришга мажбур қилиб келдилар. Табиийки, пировард натижада бу нарса жумҳуриятимиз аҳолиси учун ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий кулфатлар келтирди. Пахта йилдан-йилга сабзавот ва озуқа экинларини, боғроғлар ва узумзорларни қисиб чиқарди. Шуни айтиш кифояки, суғориладиган барча экин майдонларининг 85 фоиздан кўпроғида пахта етиштирилди. Пахта бошқа экинлардан фарқли ўлароқ ниҳоятда мавсумий характерга эга. Шу сабабли ҳозирги пайтда ҳам пахтачилик колхозлари ва совхозларида кўплаб меҳнатга яроқли кишилар мавсум оралиғи даврида амалда гарчи, ишловчи ҳисобланса-лар-да, ҳеч қандай иш билан шуғулланмайдилар. Биз шуни қайд этишимиз керакки, жумҳуият раҳбарияти қишлоқ хўжалик экинлари нисбатини тартибга солиш, пировард натижада пахта якка ҳокимлигига узил-кесил барҳам бериш учун аниқ-равшан чора-тадбирлар кўрянти.

Биз «1 миллион» рақамини осмондан олганимиз йўқ. Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, пахтачилик хўжаликларида дала ишлари камайган пайтда қарийб 600 минг нафар киши бекор қолади. Бу ҳалқ ҳолваси. О. Осипов тилга олиб ўтган «Иш билан бандлик» программаси доирасида аҳолини бирма-бир ҳисобга олиш (қизиқ, муаллиф нима учундир ушбу программага ҳеч қандай баҳо бермаган) яна қўшимча равишда меҳнатга яроқли қарийб 600 минг киши ишсиз эканлигини аниқлади. Дарвоқе, мана шу кишиларнинг 90 фоизи ишлаш истагини билдирганлар. Афсуслар бўлсинки, мавжуд иш соҳалари амалда чекланган. Қуруқ гап оғиз йиртмаслиги учун битта мисол келтирайлик: Самарқанд областининг Хатирчи районида ҳозирги пайтда 4,5 минг киши ишламайди. Уларнинг 3,6 минг нафари қишлоқларда яшайди. Шуларнинг 97,2 фоизи ишлаш истагини изҳор қилишди. Айни пайтда 1990—1992 йилларда районда Самарқанд тикувчилик бирлашмасининг 150 иш ўринли филиали (филиал ҳозирдаёқ иш бошлаб юборди — **ред.**) ва «Коммунизм» колхозида 60 иш ўринли саноат комбинати очиш режалаштирилган. Албатта, булар ҳали етарли эмас.

Хўш, мавжуд аҳволдан қандай қилиб қутулиш мумкин? Ортиқча ишчи кучларини нима қилиш керак? Фикримизча, шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ерлар бўлиб берилаётганлиги, шунингдек одамларни ноишлаб чиқариш соҳаларига жалб этиш ижтимоий кескинликни бир мунча камайтиради. Аммо муаммо тўла-тўкис ижобий ҳал этилишига ҳали анча бор. Агар «Труд» махсус мухбири мантиғига қараб иш кўриладиган бўлса, ортиқча ишчи кучларини республиканинг бошқа минтақаларига ва ҳатто мамлакатнинг турли районларига тақсимлаш керак. Минг афсуски, бундай ишчилардан етарли натижа чиқмади. Чунки кўчиб борганларнинг ўша ерларда муқим қолганлари бармоқ билан саналарли. Бу—кишиларни доимий истиқомат жойларда иш билан таъминлашга қараганда, давлатга анча қимматга тушяпти. Мана, бир мисол: РСФСРга кўчиб борганларнинг 25 фоиздан камроғи ўша жойларда яшаб қолишди. Қолган тўртдан уч қисми эса орқаларига қайтиб келишди. Бу ўринда назаримизда кўпгина омилларни, энг аввало маҳаллий турмуш тарзини, урф-одатларни, одамлардаги кўникмаларни ҳисобга олиш зарур. Зеро, одамларнинг мақсадини ҳам тушуниш керак. Улар иссиқ ўринларини совутгилари келмайди.

«Труд» даги мақола муаллифи иш билан таъминланганлик масаласини мавжуд резервлар позициясидан туриб кўриб чиқади. У меҳнат резервларининг ҳар йили 230—240 минг кишига кўпаяётганлигини мутлақо ҳисобга олмайди. Мана шу ишлар учун қўшимча иш жойлари яратиш зарур. Боз устига у ҳозирги даврда меҳнатни ташкил этишнинг янги шакллари жорий қилинишини, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан янги структуралар ташкил этилишини, оқибатида яна анчагина ишчи кучлари бўшаб қолишини ўйлаб ҳам кўрмайди.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни талаб қилади. Бунга эса ходимлар сонини қисқартирмай туриб эришиб бўлмайди. Хомаки ҳисоб-китоблар яқин йиллар ичида биз халқ хўжалигининг барча тармоқларида 1,1—1,15 миллион янги ишчи ўринларини ташкил этишимиз зарурлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун бир неча миллиард сўм капитал маблағлар сарфланиши ва айни бир пайтда қилинган сарф-харажатлар ўз вақтида самара бериши тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш керак. Ҳақиқий аҳвол мана шу ва биз ундан ҳеч қаёққа қочиб қутулолмаймиз. «Труд» рўзномаси Ўзбекистондаги ишсизликни «афсона» деб атагани билан бари бир ишсизлик муаммоси турaверади.

В. Ф. МЕРКУЛОВА, Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети меҳнат ресуруслари ва аҳолини иш билан бандлик бўлимининг бошлиғи:

— Ҳозир вазият шундайки, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан истеъмол қилиш ўртасидаги номутаносиблик—жумҳуриятимизни мана шу молларни четдан сотиб олиш учун жуда кўплаб ресурслар сарфлашга мажбур этяпти. Бунда пахта хом ашёси етказиб бериш юзасидан давлат буюртмаси амалда сақланиб қолинаётганлигини, демак, бу билан бирга миллий даромаднинг бир қисми четга чиқиб кетаётганлигини қайд этиб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон анча қулай шарт-шароитларда хом ашёни ўз жумҳуриятимизда қайта ишлашни кўпайтириш ҳисобига мана шу қўшимча миллий даромадларни олган бўлур эди. Табиийки, бу ҳолда янги ишчи ўринларини вужудга келтириш борасидаги муаммонинг бир қисми ҳам ҳал этиларди. Афсуски, касаба уюшмаси рўзномасининг мухбири буни ҳисобга олмаган. Унга ўхшаб бўш ўринлар ва вакант жойлар бор, деб жар солиш, очиғи, кулгилидир. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу фикрлар муаллифнинг масаладан буткул бехабарлигини билдиради. Маълумки, бўш ўринлар ва вакант жойларнинг борлиги ишсизлик жуда кўплаб миқдорда мавжуд бўлган мамлакатларда ҳам оддий объектив жараён ҳисобланади.

«Труд» журналисти зўр бериб тилга олган Ўзбекистондаги бўш ўринлар борлигига келсак, у кадрлар қўнимсизлиги билан боғлиқдир. Демак, бу шартли ҳол. Бундан ташқари, бўш ишчи ўринлари асосан жумҳуриятнинг саноати ривожланган шаҳарларида мавжуд бўлиб, малакали ишчи кучлари етишмаслиги билан ҳам изоҳланади.

Энди мақолада келтирилган бир-бирига зид фактлар хусусида: улар мақоланинг иккала қисмида ҳам бор. Мухбирга бир хўжаликдан «ниҳоятда машаққат билан ва хўжакўрсинга бир ишсиз кишини топиб беришади». У Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг механизатори Дилфуза Жунусбекова экан. Бу нарса муаллифга аҳолини иш билан банд этишдаги мавжуд муаммоларни шубҳа остига олишга асос беради. Бошқа бир мисол Наманган область Норин районидаги «Октябрь» колхозидан келтирилади. Бу ерда 36 ёшли тракторчи Абдуғаффор Ўлжаевнинг катта оиласи борлиги, у бир неча йилдан бери мавсумий ишлар билан бир амаллаб кун кечираётганлигини айтади. Нима учундир бу нарса муаллифга уни ишсиз деб аташга туртки беради. Шундан сўнг у воситачи кооперативлар ёпилганига тўхталиб, гўёки бу тадбир одамларни ишлаб чиқаришга жалб этиш имкониятларини камайтирмоқда, деб даъво қилади. Унинг бу фикрига қисман қўшилиш мумкин. Биз ишлаб чиқариш кооперативларига қарши эмасмиз. Биз ўз сармояларини нопок йўллар билан кўпайтираётган чайқовчи кооперативларга қаршимиз. Бундан ташқари лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот кооперативлари фаолияти одатда иккиламчи иш билан бандлик негизига, яъни ўриндошлик асосига қурилган эди. Колхозчи ёки совхоз ишчиси бундай кооперативларда фаол иштирок эта олади, деб айтиш кулгули бўлур эди.

Энди муаллифнинг «маҳаллий аппаратлар» тўғрисидаги мулоҳазаларига келайлик. Хўш, журналист бу билан кимларни кўзда тутяпти. Агар у жумҳурият раҳбариятини назарда тутаётган бўлса, айнан шу кишилар ишчи кучлари ошиб-тошиб ётган минтақадаги кескинликнинг мавжуд оқибатларини бартараф этиш юзасидан аниқ-равшан чора-тадбирлар кўрмоқдалар. Жумладан, республикада қарор қабул қилиниб, унда колхозлар, совхозлар, матлубот жамияти ташкилотлари билан шартномалар асосида маҳсулот етиштириш учун куч сарфлаётган ишсиз ва болалари бор хотин-қизларнинг кетган вақтини уларнинг меҳнат стажига қўшиш тартиби белгиланди. Эндиликда 8 ёшгача боласи бор аёллар ҳамда кўп болали оналар ўзларининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ортиқчасини сотиш бўйича шартномалар тузишлари мумкин. Шундай маҳсулотлар етиштириш учун кетган вақт уларнинг меҳнат дафтарчасига ёзилади, бу нарса уларга ёшлари етгач, пенсия олишлари учун асос бўлади. Бундан ташқари томорқа участкалари 0,25 гектарга етказилмоқда. Бунинг учун ўтган йили 160 минг гектар ер ажратиб берилди. Юқоридаги тадбир билан томорқаларнинг кенгайтирилганлиги, шубҳасиз, қишлоқда меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш борасидаги кескинликни камайтиради. Жумҳурият аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ оилалари даромадини кўпайтириш, уй-жой муаммосини ҳал этишга кўмаклашади.

Тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, шу йилнинг ўзидаёқ 76,8 минг нафар қишлоқ аёллари (уларнинг кўпи серфарзанд) колхозлар, совхозлар ва матлубот жамиятлари ташкилотлари билан шартномалар тузишди. Барча иқтисодий министрликлар, идоралар, илмий тадқиқот ташкилотлари иштирокида «Иш билан бандлик» программаси ишлаб чиқилганлиги юқорида айтиб ўтилди. Мана шу программа доирасида ҳозир аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларнинг бутун мажмуи кўриб чиқилмоқда.

Республиканинг барча шаҳарлари ва районларида ишга жойлаштириш хизматлари ташкил этилган ва ташкил этилмоқда. Меҳнат ресурслари ва иш билан банд бўлмаган аҳолини мунтазам равишда ҳисобга олиб туриш, уларни ишга жойлаштириш юзасидан чора-тадбирлар кўриш вазифаси улар зиммасига юклатилган.

* * *

МЕН қўлимга қалам олишдан олдин «Ташкентская правда» редакциясига қўнғироқ қилдим. У ердан: «Ҳа, сиз айтган Олег ўша, бизда ишларди, «Труд» газетасига кетди!» — деб жавоб беришди.

Бундан уч йил муқаддам Ўзбекистоннинг бир гуруҳ журналистлари малака ошириш учун Москвага — Марказий нашрларга юборилган эдилар. Эсимда, сафарга ҳозирлик кўрилаётган кезларда биз, журналистларни Марказий Комитетда қабул қилишди. «Сизлар билан етук, истеъдодли журналист ҳам борянти. Умуман, уни ўқишга эҳтиёжи ҳам йўқ. Бу — ўртоқ Осипов... Уни ҳозир Москвада тайёр квартира кутиб турибди. Эҳтимол, у «Известия»да қолар. Ёки шу рўзноманинг республикамиздаги ўз мухбири бўлиб қайтар...» — деган эди Марказий Комитетнинг собиқ иккинчи котиби В. П. Анишчев Осиповга баҳо бераркан. Залда ўтирганлар Осиповга ҳавас билан боқишди ва ўзларининг шу пайтгача бундай ажойиб ҳамкасбини билмаганликларидан афсус чекдилар.

Бироқ, Москвадаги ўқиш шуни кўрсатдики, Марказга борган журналистлар маҳорат бобида Осиповдан қолишмас эканлар. Уларнинг айримлари етакчи газеталарда 5—6 тадан, бошқалари эса 10—15 тадан жумҳуриятимиз ҳақида, унинг ҳаёти, муаммолари тўғрисида мақолалар чиқардилар. Бизнинг «етук» ҳамкасбимиз имзоси «Известия» саҳифаларида деярли кўринмади.

...Ниҳоят, ҳамкасбимиз «Труд» рўзномасининг бира тўла иккита сонида чиқиш қилди.

Мен унинг мақолаларини диққат билан ўқиб чиқдим ва юртдошимиз кимларнингдир ижтимоий буюртмасини бажарибди-да, деган таассуротдан ўзимни четга ололмадим. Менга: ахир, ҳар бир журналист ижтимоий буюртма бўйича ёзади-да, деб эътироз билдиришлари мумкин. Менинг назаримда бу буюртма — алоҳида буюртмага ўхшайди. Ҳар ҳолда у жумҳуриятда ишсизлик ташвишларини ҳал этиш вазифасини зиммасига олган кишилардан берилмаганлиги аён.

О. Осиповнинг одамларни ишга жойлаштириш муаммолари бўйича бевосита шуғулланаётган жумҳурият мутахассислари билан мулоқотда бўлишни ўзига эп билмаганлиги афсусланарлидир. Эҳтимол, у, улар билан учрашганда бошқача ёзармиди? Муаллиф келтирган рақамлар ва мисоллар материалнинг бир ёқлама йўналишига тўла-тўкис мос келади. У жумҳуриятда қарийб бир миллион нафар ишсиз бор дейди. Аслида эса улар бир ярим миллион, кўп болали аёлларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда эса салкам икки миллион кишини ташкил этишади. Унинг иш билан таъминланмаган оналар ишсизлар тоифасига кирмайди, деган гапларини қандай баҳолаш мумкин? Агар оилада пул етишмаса, улар нима қилишлари керак?

Унинг Ўрта Чирчиқ районида ишсиз кишини қандай машаққатлар билан қидирганлигига эътибор беринг. Биргина Андижоннинг ўзида 13 минг нафар ишсиз борлиги ҳамкасбимга маълуммикин?! Унинг фикрича, Ўрта Чирчиқ районида учратган Дилфузалар оиласига ўхшаш оилаларни томорқа участкаларидан даромад олаётганлиги туфайли давлат ёки кооператив ташкилотлардан маош олувчилар тоифасига қўшиш керак эмиш. Уларнинг ишлаб топганларини оиланинг ҳар бир аъзоси жон бошига даромадни бўлаётганда ҳисобга олиш керак экан. Шундай қилиб, томорқа участкаларга эга кишиларни ишсиз деб ҳисоблаш нотўғри эмиш. Ғалати мантиқ! Шундай эмасми? Айтайлик, оилада ўн киши бор. Бундай шароитда томорқа участкаларида ишламасдан бўлармикан? Умуман, томорқада етиштирилган маҳсулотларнинг ортиқчасини сотиш ёмонми? Ундан олинган даромадни киши жон бошига даромад чиқарилаётганда ҳисоблаш керакми?

Муаллиф жумҳуриятда хўжалик механизми қайта қурилаётганлигидан кўз юмади. У бу жараён амалда эмас, сўздагина бўляпти, деб ҳисоблайди. О. Осиповнинг ахбороти учун шуни айтмоқчимизки, бугунги кунда биз истеъмол бозоридаги номутаносибликни бартараф этиш бўйича ягона концепцияга эгамиз. Ҳукуматимиз бу соҳада аҳолининг иш билан таъминланмаган катта қисмини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга интилмоқда.

1995 йилда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни камида 50 фоизга кўпайтириш талаб этилади. Мазкур вазифани ҳал қилиш учун енгил ва маҳаллий саноатни жадал суръатлар билан ривожлантириш режалаштирилган. Пахта, пилла, мўйна ва бошқа хом ашёни қайта ишлашни катта қўламда йўлга қўйиш керак. Биз бу ресурслардан мулкчиликнинг хилма хил шаклларига, давлат, коллектив ва кооператив ижарани ривожлантириш, кичик корхоналар, чет эл фирмалари ва Иттифоқ—рееспублика миқёсидаги шериклар билан акционерлик бирлашмалари ҳамда фирмалари ташкил этиш асосида фойдаланишни кўзда тутмоқдамиз. Ҳукумат икки йил мобайнида ҳар бир қишлоқда саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи комбинатлар ташкил этиш программасини белгилаб чиқди. Бу нарса моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирибгина қолмай, айни пайтда маҳаллий аҳолини иш билан ҳам таъминлайди. Шу тарзда келаси беш йилликда бир ярим миллион киши ижтимоий фойдали меҳнат ва ўқишга жалб этилади.

«Труд»даги мақолага кўра, гўё жумҳуриятнинг «бюрократик аппарати» мана шу вазифаларни ҳал этишнинг ички имкониятларини қидириш ўрнига, марказ ажратадиган субсидияларни фойдаланишга кўникиб қолаётган, баъзан эса бошланган яхши ишларни кераксиз кўрсатмалар билан тўхтатиб қўяётган эмиш. Бошқача айтганда, Ўзбекистон марказдан пул сўраётганмиш. Аслида эса у тенг ҳуқуқли жумҳурият сифатида олиши керак бўлган маблағнигина оляпти, холос. Наҳотки, муаллиф субсидия билан қонуний улуш ўртасидаги фарқни тушунмаётмаса?!

Муаллифнинг яна бир мулоҳазасига — аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб келиши масаласига бироз тўхталайлик. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 57 фоизи қишлоқларда яшар экан. Бу—Иттифоқдаги энг юқори кўрсаткич, деб уқтиради у. Хўш, қишлоқда ишчи кучлари кам бўлиши керакми, деган савол ўз-ўзидан туғилади. Муаллиф ўзбек деҳқонларини ҳам ердан совутишни истаётгани йўқмикан?

ГАЗЕТА саҳифаларида ушбу материаллар эълон қилинганидан сўнг «Ўртоқлар орасида ҳамжиҳатлик бўлмагач» сарлавҳали яна бир мақола пайдо бўлди. Касаба уюшмаси рўзномаси саҳифаларида кетма-кет Ўзбекистондан учта мақоланинг чиқишини биз ўзимиз учун «шараф» деб билайликми?! Истаймизми, истамаймизми, жумҳуриятимизга «кўрсатилаётган» бундай эътибор замирида қандайдир шубҳали «қайров» бор, дейишга тўғри келади. Эҳтимол, мақолалар муаллифларидан ташқари яна кимлардир панароқда яширириб турмаганмикин? Айтайлик, жумҳуриятимизнинг четдаги «ҳомийлари»дан биронтасининг қўли бордир, бу ишда?

Мақолада Ўзбекистон ҳукуматининг айрим тур маҳсулотларнинг республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори бошқа жумҳуриятларга қарши эълон қилинмаган савдо уруши деб аталади. Муаллиф гўё жумҳуриятда давлат буюртмаси бажарилиши тўхтатиб қўйилган, деб ёзади. Бу туҳмат. Қарорда бу ҳақда биронта ҳам сўз йўқ. Чимкент области билан чегарада дон маҳсулотлари ортилган машиналар тўхтатиб қўйилганлиги ҳақидаги «фактлар ҳам» ҳақиқатга мутлақо зиддир.

Дарвоқе, Чимкент билан Тошкент ўртасида маҳсулотлар айирбошлаш масаласида ҳеч қачон нифоқ бўлмаган. Узоққа бормай яқинда бўлган бир воқеани айтай: Чимкент ва Тошкент областлари ўртасида барча йўналишлар бўйича анъанавий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан шартнома имзоланди.

«Труд»даги материаллар жумҳуриятдаги ишлар аҳволи тўғрисида марказий нашрларнинг айримларида ёритилган нохолисона мақолаларнинг давомидир. Биз шунга ўхшаш мақолаларни «Огонёк», «Собеседник», «Союз» ларда ўқиганмиз. Мазкур ва бошқа нашрларнинг айрим мухбирлари фикрлар хилма хиллиги, демократия, ошкоралик, очиқ-ойдинликдан кескинликни авж олдириш, шовшувли ахборотлар бериш учун фойдаланмоқдалар, шубҳали йўллар билан ўзларига обрў-эътибор қозонмоқдалар. Афсуски, айрим нуфузли ташкилотлар ҳам ижодга бундай ёндашувларни қўллаб-қувватламоқдалар. Хусусан, «Огонёк» журналида босилган «Затмение» («Айниш») мақоласининг муаллифи А. Головков СССР Журналистлар уюшмаси мукофотининг совриндори бўлди.

Фикримча, иттифоқдош жумҳуриятлар суверенитети принципларидан келиб чиқиб, республика Президенти ҳузурида марказий матбуот органларининг ўз мухбирларини расмий равишда вакил этиб тайинлаш амалиёти жорий этилса, тўғри бўлур эди. Агар матбуот органи партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг бўлса, ёки улар тармоқ газеталари ёки журналлари бўлса, бундай ҳолда шу органларнинг вакиллари жумҳурият касаба уюшмаси, комсомол ташкилотлари ва тегишли равишда асосий тармоқ органлари ҳузурида аккредитация қилинишлари лозим, Албатта, бу масала ҳар томонлама муҳокама қилиниши ва жумҳурият Олий Советининг сессиясида кўриб чиқилиши лозим. У ижобий ҳал этилса махсус қонунларда ёки ҳужжатларда қайд этилиши керак.

Мухбирлар ҳар бири сўз учун катта масъулиятни ҳис этишлари, улар қаламга олган халқларнинг шон-шарафи ва қадр-қимматини, уларнинг тақдирини ҳурмат қилишлари шарт. Бу нарса чинакамига мустақиллик йўлида олға қараб ташланган қадам бўлсин.

Аккредитация — барча маърифатли мамлакатлар амалиётида ҳамма томондан қабул қилинган қонуний ҳолдир.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ депутати, республика Олий Совети доимий комиссияси раиснинг ўринбосари.

Дунё овози

Горбачев номи билан аталди

МАДРИД. Испаниянинг Фос шаҳри (Лиго вилояти, Галисия тарихий области) муниципалитети шаҳар кўчаларидан бирини Михаил Горбачев номи билан аташга қарор қилди.

Ушбу қарорда — «Совет раҳбарининг халқаро миқёсдаги улкан ролини эътироф этиш» ифодаланган, деди Фос шаҳри мэри, Испания ҳукмрон социалистик ишчи партиясининг аъзоси Мартин Бельтран.

«Панс» газетаси ана шу ҳақда хабар беради.

Солиқ тўлашдан бош тортишмоқда

ҚОҲИРА. Сўнгги тўрт ой ичида Миср маъмурлари солиқ тўлашдан 266 марта бош тортилганлигини қайд этдилар. Агар солиқ тўлашдан бош тортувчилар давлатдан шу қадар қарздор бўлиб қолмаганларида эди, бу рақам ҳеч кимни ҳайратда қолдирмаган бўлур эди.

«Ахбор—ал—яум» газетасининг маълумотларига кўра, давлатнинг қарзи бир миллиард олти юз етмиш етти миллион Миср фунтини ташкил этди. Қонун бузувчи миллионерларнинг аксарияти ер, квартира ва автомобиллар билан савдо-сотиқ қилиш орқали жуда катта бойлик тўплаган.

Булар орасида мевали боғ-роғларнинг эгалари, балиқ савдогарлари ва ижодий касбларнинг намояндалари бор.

● ЯПОНИЯ. Токиодаги хитойликлар шаҳарчаси.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

● ВАРШАВА.

Якшанба куни Польшада маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларига сайлов бўлиб ўтди. Сайлов урушдан кейинги йиллар мобайнида илк бор тўла демократик руҳда ва маҳаллий идоралар тўғрисидаги янги қонун асосида ўтди. Мамлакатнинг асосий маъмурий-ҳудуд бирликлари бўлган 2383 та гмингада кенгашларнинг 52 мингдан кўп аъзоси сайланди.

Польша президенти Войцех Ярузельсий овоз бериш тугаганидан сўнг сайлов ҳақида гапириб, бу ниҳоятда катта аҳамиятга молик воқеа бўлганини айтди. Чунки сайлов энг аввало инсоннинг фаолият кўрсатиши учун кўпроқ имкониятлар очиб беради ва бунинг учун энг яхши воситаларни таклиф этади. Сайлов, деб таъкидлади у, Польшадаги ислоҳотларнинг бундан кейинги тараққиётига, ўзгаришларнинг тўғри йўналишига кўмаклашади.

● БОННН.

Оддий қуролли кучлар юзасидан Венада ўтаётган музокаралар Европада катта истиқболлар очади. Ҳозирги вақтда вужудга келган тарихий имкониятдан фойдаланиш ҳамда қуролсизланиш соҳасида янги тадбирларни амалга ошириш зарур, деди ГФР ташқи ишлар министри Ганс-Дитрих Геншер. Мафкуравий тўсиқларнинг бартараф этилиши, деб таъкидлади у СДФ телепрограммасининг мухбири билан суҳбатда, душман образидан халос бўлишга имкон берди. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда қуролсизланиш жараёни сиёсий тараққиётдан орқада қолишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир.

(ТАСС, 28 май).



● Италияга келаётган африкалик муҳожирлар сони муттасил ошмоқда. Уларнинг кўплари мамлакатга яшириин йўллар билан келяптилар. Шу боис улар бу ерда яшаш ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Суратда: Ғарбий Европадаги муҳожирлар. Уларнинг қисмати жуда аянчли.

(ТАСС).

• *Михаил Александрович Шолохов таваллудининг 85 йиллигига*

ҲАССОС ҚАЛБ МАВЖИ

⊙ Шу кунларда Дон тупроғида буюк рус адиби, «Тинч Дон», «Очилган қўриқ» каби йирик эпопеялар муаллифи, адабиёт бўйича халқаро Нобель мукофоти лауреати Михаил Александрович Шолохов кунлари давом этмоқда. Улкан адибнинг фожиаларга тўлиқ овози бугунги кунда янада халқчил, янада янгроқ жарангламоқда.

Адибнинг ғалаёнли ва бунёдкор ҳаёт ва унда чин инсон, халқпарвар ёзувчининг ўрни ҳақидаги мушоҳадаларидан иборат қуйидаги парчалар унинг турли йиллардаги нутқларидан олинди.

Инсон онги ва қалбига таъсир кўрсатишда санъатдек қудратли куч мавжуд эмас. Ўйлашимча, ана шу кучни одамлар қалбида гўзаллик яратиш ва инсоният фаровонлигига йўналтира билган кишигина ўзини санъаткор деб аташга ҳақли.

* * *

Адабиётимизнинг ҳаётдан орқада қолаётганлигининг сабабларидан бири ва саёз асарлар пайдо бўлаётганининг бош сабабларидан бирини мен ҳозир ҳам ёзувчилар муҳитининг ҳаётдан ажралиб қолганлигида, шиддат билан кечаётган ва ўз қиёфасини мунтазам ўзгартириб турувчи воқеликни юзаки билишда деб биламан.

* * *

Ҳар қандай миллат, каттами ёки кичикми, ўзининг маданий қадриятларига эга. Инсоннинг буюк руҳий бойлиги мана шу қадриятлардан иборат.

Бутун жаҳон ёзувчиларининг ўз даврлари бўлиши лозим. Қарашларимиз турлича бўлса ҳам бизни бир нарса инсон кори учун яроқли бўлиш иштиёқи бирлаштиради.

* * *

Биз яна шуни яхши биламизки, ер ҳам худди олам каби яхлитдир, экинзор ер, Она-ерга қанчалик меҳр ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлсак, ўзимиз яшаб, меҳнат қилаётган, қувонч ва изтироб чекаётган қолган бошқа барча ерга ва ундаги инсон учун фойдали ҳамма нарсаларга шундай кўнгил қўйишимиз, эҳтиёт билан муносабатда бўлишимиз лозим. Булар эса — бу ўрмон, бу сув ва ундаги барча мавжудот.

* * *

Адабиётнинг ижодий ходимларини ортиқча мажлисбозлик ҳашамларидан, китоб яратишга халақит берадиган барча нарсалардан ҳалос этиш лозим. Леонов, Тихонов, Федин каби йирик сўз усталари ғоят қадрли бир талай вақтларини эркинликда ҳаётни ўрганиб китоб ёзиш ўрнига турли-туман йиғилишларда бой берганликлари туфайли шундоқ ҳам катта зарар кўрдик. Бунга чек қўйиш керак! Ёзувчиларга ҳаётга чуқур кириб боришлари учун ёрдам бериш зарур, ёзувчилар ҳаёт қозонида қайнасинлар. Бунинг учун ҳеч қандай махсус қарорнинг кераги йўқ.

* * *

Моҳиятига кўра ёзувчилик ўта нозик ва шахсий касблардан: У стол атрофида соатлаб жунунларча ёлғиз қолишни талаб қилади. Бинобарин, ёзувчи учун бир-бирига ўхшаб кетишдан ортиқ мусибат бўлмаса керак, деб ўйлайман. Бу касб мазмуни, мақсади ва йўналишига кўра ҳам энг инсонпарвар. Бу маънода чин санъаткорларнинг ҳеч қайсиси бир-бирларидан фарқ қилмайдилар. Ҳар биримиз сўзларимизни эшитишни истаган одамлар сони янада кўпроқ бўлиши учун ижод қиламиз. Шундай экан, биз «мен» деб номланган кичкина ўз оламимизни эмас, балки миллионларни ҳаяжонга солаётган дардларни ифодалай олсаккина бахтиёр бўламиз.

* * *

Менга бургут ўз темирқанот полопонини қандай тарбия қилишини айтиб беришди. Полапонлари қанот ёйгач, бургут қўнишга қўймай, янада баландроқ учишга мажбур этади, кейин яна баландроқ, шундай қилиб то ҳолдан тойгунларича учириб, қувиб юраверади. Фақат ана шундай тарбия усули туфайли ёш бургут юксак фазоларга тўш ура олади...

Охир-оқибатда адабиётда шумшайган қарға ёки хонаки товуқ бўлиб қолмасликлари, чинакам бургут бўлиб воя етишлари учун ёш ёзувчиларимизни биз ҳам ана шу тариқа ўргатишимиз лозим.

Аммо бургут дастлабки пайтларда лозим юксакликда уча олмайдиган ёки учишга қўрққан полапонларининг қанотларини қайириб қўймайди. Бизнинг танқидчилигимиз ҳам бошловчи ёзувчиларнинг «қанотларини қайириб» қўймасликлари лозим, бунга ҳақлари ҳам йўқ.

* * *

Бир маҳаллар, 30-йиллар бошида, Фадеев Ўрта Россиядаги собиқ губерния шаҳарларидан бирида бўлиб қайтгач, менга шундай воқеани сўзлаб берган эди. «Биласанми, эски монастирлардан бирини кўргим келиб қолди. Айланиб юрдим, томоша қилдим. Монастирда эскигина, чолдеворли черков бор экан. Шаҳарга қайтаётиб қарасам, монастир тевирагидаги нишабликда қий-чув, шовқин солиб болакайлар ўйнаб ётишибди, узоқроқда эса бир бола тенгқурларига ҳавас билан қараб турибди. Лекин уларга қўшилмай, сўлғин ўтларни юлиб, пичоқ билан ерни чуқилаб, хулласи ўзини-ўзи овунтириб ўтирибди. Ўспиринни четлаштиришибди деб ўйладим. Бориб сўрадим: «Нега бир ўзинг? Нега болалар билан ўйнамаяпсан? Нима гуноҳ қилдинг?». У бўлса менга хўмрайиб, катталарга хос ғамгин кўзларини тикиб: «Мен руҳонийнинг ўғлиман. Отам ана шу черковда хизмат қилади. Шунинг учун болалар мени қўшишмайди, доим бир ўзим ўйнайман» деди. Фадеев бир лаҳза жим қолди, кейин жиддий оҳангда: «Биласанми, қария, йиғлаб юбордим. Юзимни ўгирдиму йиғлаб юбордим. Шунақа, қандай даҳшатли болалик!» деди. Бироқ у ҳикоясини бундай, яъни лозим бўлганидек тугатди: «Сендан қолар гап йўқ, ўзинг биласан, қария, ҳамма қароқчилар андак таъсирчан, кўнгилчан бўладилар».

Бизнинг «тарбияси оғир» ёшларимиз нималари биландир ўша руҳоний ўғлини ёдимга солади, ёлғиз ўйнайдилар, кўпчилик кўмагини сезишмайди, биз «кўнгилчан» қариялар эса улар тақдири тўғрисида кўз ёши тўкмаймиз, кўнгилларига астойдил кўл солиб кўрмаймиз, баъзи ҳолларда уларга қилаётган муомаламиз ва тарбиямиз қари фельдфебелнинг армияга янги чақирилганларга бўлган муносабатига ўхшаб кетади.

* * *

Халқ фикри — биз ёзувчилар учун дунёда ҳамма нарсадан қадрлироқ нарса, мана, нима. Халқ сенга ишонч билдирса, халқ, партия ва ватан бутун кучини ва иқтидорингни сарф этаётганингни эътироф этса, демак биз яшадик ва ижод қилдик, дейишга ҳақли бўламиз.

Саъдулла ҲАКИМ таржимаси.

• *Янгиликлар, хабарлар, воқеалар*

Бош кўргазмада

Москвадаги Бутунниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган ярмаркада Ўзбекистон ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари тайёрлаган буюмлар ҳам кенг ўрин олган. Жумҳуриятимиз бўлажак ҳунар эгаларига ажратган жой сатҳи 600 квадрат метрдан иборат бўлиб, унда йиғиш станоклари, тикув буюмлари, қишлоқ хўжалик неъматлари, совғалар қўйилган.

Ўзбекистон ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларидан иборат бадиий ҳаваскорлик коллективлари, фольклор ансамбллари, либослар моделларини кўрсатувчи гуруҳлар маҳоратларини намойиш қилдилар. Айниқса, Тошкентдаги Калонов номидаги ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари тайёрлаган компьютер, синф ускуналари, Бухородаги 34-билим юрти ўқувчиларининг зардўзлик кийимлари томошабинларда қизиқиш ўйғотди.

У. ЮСУПОВ.

Рус қишлоғида Наврўз

Оренбург вилоятига эндигина баҳор келди. Табиат яшил либосга бурканмоқда. Далаларда деҳқонлар юмуши бошланмоқда. Бундай пайтда вилоятнинг Бузулук райони кишилари баҳор фасли — Наврўзни нишонладилар. Бунинг учун Гулзода, Гулдина, Хасиба опалар бошчилигида сумалак қайнатилди. Баҳор таоми Рябцев қишлоғида истиқомат қилувчи аҳолига тарқатилди. Шу куни радио карнайидан ўзбекча, озорча, туркча, русча қўшиқлар ва куйлар янгради. Бу маросим одамларни аҳил ва тотув яшашга чорлади. Қишлоқда ҳар йили Наврўзни нишонлаш яхши одатга айланадиган бўлди.

Т. БАКУНОВ.

Бобур маҳалласида

Чирчиқдаги бу маҳаллада ўзига хос шодиёна бўлиб ўтди. Маҳалладошлар қувончли воқеани муносиб нишонлаш важидан тўпландилар. Чор атрофни ёқимли музика ва карнай сурнайларнинг навоси тутди. Маҳалла комитети раиси Каримбой Ҳусанов тўпланганларни самимий табриклади.

Дастурхон тўла ноз-неъматлар тўкилган бу даврада ўтирганлар шодлиги яна ортадиган бўлди, — дейди шаҳар ижроия комитети ишлар мудирлиги бошлиғи Т. Гвардейская ўзбекча сўзларкан. — Бугунги йиғинда иноқ маҳаллангизга ўзбек халқи классиқларидан Бобур номини беришга қарор қилдик.

Йиғилганларни А. Ҳайит боев бошчилигидаги «Наврўз» ансамбли ҳаваскорлари ўз чиқишлари билан мамнун этишди. Уруш ва меҳнат ветеранларига эсдалик совғалари топширилди.

Ж. ВАҲОБОВА.

ЮЗ АСАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Ўзбекистон ССР халқ рассоми Жавлон Умарбеков ижоди тасвирий санъат ишқибозларига яхши таниш. Таниқли рассом асарлари ўтган йили Иттифоқимиз пойтахти Москва кўргазмаларида муваффақият билан намойиш этилган эди. Энди ана шундай имкониятга жумҳуриятимиз санъат мухлислари эга бўлдилар.

Тошкентдаги Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида рассом асарлари қўйилди. У «Жавлон Умарбековнинг юз асари» деб номланган.

● Кўргазма қатнашчилари Жавлон Умарбеков асарлари билан танишмоқдалар.

ЎзТАГ мухбири Ф. ҚУРБОНБОЕВ суратга олган.



ЖАМИЯТ АНЖУМАНИ

Жумҳуриятимиз жуғрофлари жамиятида 1400 га яқин аъзо бор. Улар фан ривожланиши учун муносиб ҳисса қўшиб келишяпти. Яқинда жамият съезди бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти О. Акрамхўжаев доклад қилди.

Ўзбекистоннинг икки жилдли мукаммал жуғрофик атласининг чоп этилгани, «Тошкент жуғрофияси» атласининг вужудга келгани, Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларининг ишлаб чиқишда географ олимлар қўшган ҳиссалар тилга олинди. Табиат ва атроф-муҳитнинг муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи олимлар зиммасидаги вазифалар ва бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Съезд делегатлари олтита секцияга бўлинган ҳолда иш олиб бордилар. Илмий мавзудаги суҳбат ва баҳсларда ландшафтшунослик билан табиий жуғрофик районлаштириш, иқлимшунослик билан қуруқлик гидрологияси соҳалари бўйича худудларни карталаштириш, жуғрофия фанининг мактабларда ва олий ўқув юртларида ўқитиш методикаси масалалари кўтарилди. Келгусидаги режалар аниқланди. Жумҳуриятимизда «Пахтачилик» ва «Тиббиёт жуғрофияси» атласларини тайёрлаш ва чоп эттириш масаласи келишиб олинди. Айни чоғда жумҳурият Фанлар академияси ҳузурида Жуғрофия илмий тадқиқот институтини тузиш масаласи ўртага қўйилди. Бу давр талаби, чунки Иттифоқимизнинг қатор жумҳуриятларида шундай институтлар кўп йиллардан бери мавжуд.

Съездда жамиятнинг янги раҳбар органлари сайланди. Беруний номидаги Ўзбекистон жумҳурияти давлат мукофоти лауреати З. Акрамов жамият президенти қилиб сайланди.

К. ҚУРБОНОВ,
СССР Жуғрофия жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

Ҳукм чиқарилди

Фарғона вилоят суди Э. Қўзиев раислигида Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё вилоятининг собиқ биринчи котиби А. Каримов иши юзасидан ҳукм чиқарди. У пора олиш ва пора беришда айбдор деб топилди.

СССР прокуратураси ТАСС мухбирига ҳавола қилган материалларга кўра, бу суд мажлиси ҳам Ўзбекистонлик ўзга собиқ партия ва совет ходимлари ишини кўриб чиққан суд мажлисларидан унча фарқ қилмайди. Каримов ва гувоҳларнинг кўпчилиги дастлабки терговда ўзлари берган кўрсатмаларидан воз кечишди. Улар терговчининг тазйиқи остида кўрсатма берганмиз, деб изоҳладилар. Суд кўпгина лавҳаларни исботланмаганлиги ёки унинг фикрича, дастлабки тергов идоралари бартараф этмаган катта зиддиятлар туфайли айбловдан чиқариб ташлади. Шу тариқа суд Каримов 8000 сўм пора берган ҳамда 30.866 сўм пора олган деб эътироф этди.

А. Каримов олти йил озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулкини мусодара қилиш ва жазо муддатини кучайтирилган режимдаги ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясида ўташга ҳукм қилинди. Суд жиноят кодексининг мазкур моддасида кўзда тутилган жазонинг энг кам миқдоридан ҳам камроқ муддатни белгилар экан, бунда Каримовнинг ёшини (67 ёш), саломатлигини, пул ва қимматбаҳо буюмларни ихтиёрий равишда топширганини, Улуғ Ватан уруши ва Афғонистондаги воқеаларда иштирок этганини ва унинг биринчи маротаба судланаётганлигини ҳисобга олди. Суд давлат айбловчисининг илтимосига кўра, мансабдор шахслардан беш киши ёлғон гувоҳлик берганлиги учун уларга қарши жиноий иш қўзғади.

Хусусий ажримлар ҳам чиқарилди. Шулардан бири Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё вилоят комитети номига чиқарилган ажримдир. Унда Каримов ҳузурига совғалар билан келиб турган мансабдор шахсларни партиявий жавобгарликка тортиш масаласи қўйилди. Яна бир ажрим — СССР прокуратурасининг Т. Гдлян ва Н. Иванов бошчилик қилган тергов гуруҳи йўл қўйган қонун бузилишлари муносабати билан СССР бош прокурори номига чиқарилган.

МОСКВА.

Н. ДЕМИДОВ,
ТАСС мухбири.

• *Спорт* •

ФУТБОЛ:

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

Бугун биринчи лига коллективлари ўртасида мамлакат чемпионатининг 12-тур ўйинлари бошланади. Бир неча кундан бери дам олаётган «Пахтакор» командаси футболчилари эртага «Кузбасс» майдонида куч синашадилар. Бўлиб ўтган 11-тур ўйинларида эса қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Кузбасс» — «Қайрат» — 0:1, «Геолог» — «Ростсельмаш» — 0:1, «Шинник» — «Динамо» (Ст) —0:0. «Спартак» — «Факел» —2:0, «Котайк» — «Локомотив» (Г) — 1:0. Ҳозир спартакчилар 14 очко билан биринчи ўринга кўтарилишди, «Металлург» ҳисобида ҳам шунча очко бор. Ставрополь динамочилари 13 очко билан учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Қайратчилар ҳам 12 очко билан 9-ўриндан 4-ўринга кўтарилиб, мавқеларини яхшилаб олишди. «Геолог» ва «Шинник» коллективларида ҳам 12 тадан очко бор. Пахтакорчилар 11 очко билан 8-бўлиб туришибди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
А. Н. ОСТРОВСКИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕАТР ВА РАССОМЛИК САНЪАТИ ИНСТИТУТИ
1990-1991 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

АКТЁРЛИК САНЪАТИ: драма театри ва кино актёри (туркман группаси) — ўқиш муддати 4 йил. Мусиқали театр актёри (Андижон мусиқали театри учун) — ўқиш муддати 5 йил. Қўғирчоқ театри актёри (Фарғона театри учун) — ўқиш муддати 4 йил.

РЕЖИССУРА (ўзбек группаси) — ўқиш муддати — 5 йил.

ТЕАТРШУНОСЛИК: театр танқидчилиги (Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари учун) ўқиш муддати 5 йил.

САНЪАТШУНОСЛИК: (Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари учун) — ўқиш муддати 5 йил.

РАНГ ТАСВИРИ: Дастгоҳли рангтасвир — ўқиш муддати — 6 йил.

ТЕАТР ДЕКОРАЦИЯСИ РАНГ ТАСВИРИ — ўқиш муддати 6 йил.

ГРАФИКА — ўқиш муддати 6 йил.

МОНУМЕНТАЛ-ДЕКОРАТИВ САНЪАТ: меъморчилик-безак санъати — ўқиш муддати — 6 йил.

ДЕКОРАТИВ-АМАЛИЙ САНЪАТ: амалий графика — ўқиш муддати — 6 йил.

БАДИИЙ КУЛОЛЧИЛИК — ўқиш муддати 6 йил.

ИНТЕРЬЕР ВА ЖИҲОЗЛАШ САНЪАТИ: санъат ёдгорликларини таъмирлаш — ўқиш муддати 6 йил.

СИРТҚИ БЎЛИМГА

Драма театри ва кино актёри (ўзбек группаси) —ўқиш муддати 5 йил.

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ АКТЁРИ (ўзбек группаси, Самарқанд ва Жиззах театрлари учун — ўқиш муддати 5 йил.

Мутахассислик, она тили ва адабиёти (ёзма), СССР тарихи (оғзаки) фанларидан кириш имтиҳонлари ўтказилади.

Институтнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига кириш учун аризалар 1990 йилнинг 9 июнидан 7 июлигача қабул қилинади.

Кундузги ва сиртқи бўлимларга кириш имтиҳонлари 1990 йил 9 июлдан бошланади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У намунасидаги тиббий шаҳодатнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (меҳнат фаолияти борлар учун), 3х4 см ҳажмидаги 6 дона фотосурат. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар почта орқали қабул қилинмайди.
Ҳужжатлар саралаш комиссиясининг тавсияси билан қабул қилинади.

Режиссура, санъатшунослик ва театршунослик бўлимларига кирувчилар мутахассислик бўйича режиссёрлик плани, ёзма реферат, рассомлик бўлимига кирувчилар ижодий ишларини қўшиб топширадилар.

Кириш имтиҳонларига тайёрланиш учун консультациялар шанба кунлари соат 18.00 дан бошлаб 15 хонада ўтказилади.

Институт макони: 700031, Тошкент шаҳри, Герман Лопатин кўчаси, 77-уй. Телефонлар: 56-28-80, 56-45-68.

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА ЙЎЛЛАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ
РСФСР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН ОИЛАЛАРНИ

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА КЎЧИРАДИ

КЎЧИШНИ ХОҲЛАГАН ГРАЖДАНЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚУЙИДАГИ МУДДАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.
— НОВГОРОД ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача;
— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача.
РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача.

КЎЧИРИШ УЧУН КАМИДА МЕҲНАТГА ЯРОҚЛИ ИККИТА АЪЗОСИ БЎЛГАН ОИЛАЛАР ФАОЛЛАШТИРИЛАДИ.

Кўчиш учун расмийлаштирилган оилаларга бориладиган жойга текинга етиб олиш ва ўзлари билан 2 тоннагача юкни бепул олиб кетиш ҳуқуқи берилади, бир йўла ёрдам пули тўланади, турар жой ёки квартира, ҳовлисида керакли бинолар бўлган томорқа берилади.

Янги кўчиб келганлар икки йил мобайнида квартира ҳақидан озод этиладилар.

РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

ШАҲАРЛАРДА — шаҳар, область ишга жойлаштириш марказлари ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига;
НУКУС шаҳрида — ҚҚАССР республика марказига;
РАЙОНЛАРДА — ишга жойлаштириш бюроларига;
ТОШКЕНТ шаҳрида — Космонавтлар проспекти, 6-уй ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш район пунктларига.

Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт давлат комитети жамоаси Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт давлат комитети раиси О. Н. Назировга опаси

Малоҳат
АБДУРАҲМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Санитария эпидемиология бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Н. Ж. Жўраевга отаси

МУЛЛАЖУРА СОЛИҲ
ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик Давлат кооператив комитети ҳузуридаги «Узпишчепром» жумҳурият озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси аппаратининг директорлар кенгаши, раҳбарлиги, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашма раиси В. Ҳ. Қосимхўжаевга, отаси

Қўчқор
ҚОСИМХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Кимё институти жамоаси бўлим мудири, профессор А. А. Аъзамхўжаевга акаси **Аброрхўжа**
ОТАХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04578. № 121. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12